

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.27.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА ГУЛНОЗА САДИКОВНА

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИ
ОЛМОШЛАРИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Pedagogical sciences**

Сабирова Гулноза Садиковна

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини
ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси. 3

Сабирова Гулноза Садиковна

Методика обучения местоимениям английского языка учащихся
общеобразовательных школ на основе информационных технологий. . 19

Sabirova Gulnoza

The methods of teaching secondary school pupils English pronouns by
means of information technologies 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.27.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА ГУЛНОЗА САДИКОВНА

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИ
ОЛМОШЛАРИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped5 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Лайлохон Толибжоновна
педагогика фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хашимова Дилдархон Уринбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Ирмухамедова Гулчехра Насыровна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Д. Палуанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Д.Р. Джуманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш, ахборот-коммуникация технологияларининг жадаллик билан ривожланиши глобаллашув шароитида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Ахборот технологиялари асосида хорижий тилларни ўргатишнинг илғор усулларини таълим жараёнига жорий этиш ўқувчилардан чет тилларда эркин мулоқот қила оладиган ва фан-технологиянинг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлган мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, олиб борилган ислохотлар натижасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, таълим жараёнини умумжаҳон таълим стандартлари ва миллий кадриятларимизга мос тарзда ташкил этишга ҳамда таълимнинг узвийлигига йўналтирилган давлат таълим стандартлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Бундай ислохотларнинг тил таълимида ҳам ўтказилиши натижасида чет тилларни ўқитишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари кенг кўламда ўзлаштирилди. Чет тилларни ўқитишда ўқувчининг коммуникатив лаёқатини шакллантириш таълимнинг асосий мақсади сифатида белгиланиши, ўқувчини маъруза тингловчи шахсдан дарснинг фаол субъектига айлантириш эҳтиёжи замонавий тил таълимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва шу орқали унда лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни ҳосил қилишда ижобий натижа беради.

Жаҳон миқёсида инглиз тилидаги мустақил сўз туркумларини дедуктив, индуктив, таржима, коммуникатив методлар ёрдамида ўргатишга бағишланган тадқиқотлар билан бирга, умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатиш усулларини такомиллаштириш ва янги ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инглиз тилида олмошларнинг сон жиҳатдан кам бўлишига қарамай, қўлланиш доираси кенглиги ва ўзбек тилидаги туркумдошларидан семантикаси ва стилистик хусусиятлари билан фарқ қилгани сабабли ўқувчиларнинг ўзлаштиришида қийинчилик туғдиради. Шу боис ўқувчилар нутқида инглиз тилидаги олмошларни тўғри қўллаш малакаси – коммуникатив компетенциялар етарли даражада шаклланмай қолмоқдаки, бунини бартараф этишда ахборот технология воситаларидан (интернет ресурслари, электрон дарслик, лингвистик корпус, мультимедиа дастурлари, веб-квест ва блог-технологиялар) фойдаланиб олмошларни ўргатиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, дарс самарадорлигини оширади ҳамда олмошларни ўргатишнинг янги методларини яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш ҳақида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорларида, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини таъминлашга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда тилларни ўқитиш методикаси Ж.Ж. Жалолов, Т.К. Сатторов, Л.Т. Ахмедова, Г.Т.Махкамова ва бошқаларнинг тадқиқотларида чуқур таҳлил этилган¹.

Олмошларнинг функционал-семантик хусусиятлари, маъновий таснифи ва стилистик жиҳатлари D. Bolton, N. Goodey, Б.Сияева, Д.Н. Сулейманова, шунингдек, А.Т. Ирискулов, Д.Т.Кубейсинова сингари тилшуносларнинг ишларида ҳам тадқиқ қилинган².

Чет тилини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатиш масалалари G.Dudeneу, N. Hockly, О.Г. Горина, А.В. Попова, С.И. Карандина, М.У. Ашуров, О.В. Абдувалиева ва бошқаларнинг илмий изланишларида муҳокама қилинган³.

Чет тилини ахборот технологиялари асосида ўргатиш билан боғлиқ бир қатор изланишлар олиб борилган бўлса ҳам, умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологиялари асосида ўргатиш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

¹ Jalolov J.J., Makhlamova G.T., Sh.S.Ashurov. English Language Teaching methodology. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с.; Сатторов Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис. ... докт.пед. наук. – Т., 2000. – 32 с.

² David Bolton & Noel Goodey. Troubles with adjectives, adverbs and pronouns? – England: Delta Publishing, 2000. – 66 p.; Сияев Б. Формирование местоимений в таджикском языке: Автореф. дис. ... докт.филол.наук. – Душанба, 2003. – 58 с.; Сулейманова Д.Н. Семантика и функционирование неопределенных местоимений с компонентами some, any, no в английском языке: Дис. ... канд.филол.наук. – Уфа, 2014. – 192 с.; Кубейсинова Д.Т. Синтактико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2008. – 19 с.

³ Gavin Dudeneу & Nicky Hockly. How to teach English with technology. – England: Pearson Education Limited, 2007. – 194 p.; Горина О.Г. Использование технологий корпусной лингвистики для развития лексических навыков студентов-регионоведов в профессионально-ориентированном общении на английском языке. – автореф. дис. ... кан.пед.наук. – М., 2014. – 29 с.; Ашуров М.У. Повышение эффективности классных и внеклассных занятий по математике с использованием компьютеров.: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Ташкент, 2002. – 16 с.; Абдувалиева О.В. Методика обучения модальным глаголам английского языка на базе компьютерных технологий.: Дис. ... канд.пед.наук. – Ташкент, 2008. – 162 с.

университети қошидаги Республика чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикалар илмий-амалий маркази иш режасининг ИОТ-2015-1-22 «Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув-услубий материаллар яратиш ва нашр этиш» (2015-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологиялари асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг инглиз тилидаги олмошларни ўзлаштиришида энг кўп учрайдиган интерференция ҳолатларини ўзбек тилидаги олмошларга қиёслаш орқали аниқлаш;

ахборот технологиялари асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида олмошларни қўллаш билан боғлиқ рецептив ва продуктив грамматик кўникмаларни шакллантириш;

олмошларни қўллаш билан боғлиқ грамматик кўникмаларни шакллантиришга ёрдам берадиган лингвистик корпус, блог-технология, веб-квест ва лисоний мультимедиа дастурларининг дидактик хусусиятлари ҳамда методик функцияларини таҳлил қилиш;

ахборот технологиялари асосида олмошларни ўргатиш методикаси ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган методика ҳамда ахборот технологиялари асосида яратилган дидактик материалларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ўқитиш танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз тилидаги олмошларни ўргатишнинг мазмуни, методик тузилиши ва олмошларни нутқда тўғри қўллай олиш кўникмаларини ахборот технологиялар асосида ҳосил қилиш методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар таҳлили, педагогик кузатув (сухбат, сўровнома), педагогик эксперимент, математик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лингвистик корпус, блог-технология, веб-квест, лисоний мультимедиа дастурларининг олмошларни қўллаш билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришдаги дидактик хусусиятлари ва методик функциялари аниқланган;

ўқувчиларга инглиз тилидаги олмошларни лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар асосида ўргатиш методикаси ишлаб чиқилган;

лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар орқали олмошларни рецептив ва продуктив қўллаш кўникмалари аниқланган;

лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар асосида олмошларни тўғри қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган рецептив ва репродуктив машқлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун инглиз тилидаги олмошларни ўргатиш бўйича қуйидаги лисоний мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилган: Personal pronouns, Possessive pronouns 1, Possessive pronouns 2, Possessive pronouns 3, Demonstrative pronouns, Indefinite pronouns, Object pronouns, Relative pronouns;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ўқитиш бўйича интернет тармоғида блоглар ва веб-квестлар яратилган;

лингвистик корпус, блог-технология ва веб-квестлар асосида инглиз тили олмошларини ўргатиш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, интернет тармоғига блоглар ва веб-квестлар киритилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошларни қиёсий таҳлил қилиш асосида пайдо бўладиган тилдаги, тиллараро ва маданиятлараро интерференцияларни аниқлаш, лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестларнинг инглиз тили олмошларини ўргатишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган инглиз тили ўқув-методик мажмуаларини бойитишга, ахборот технологиялари асосида ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар:

ўқувчиларга инглиз тилидаги олмошларни лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар асосида ўргатиш методикаси Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари умумтаълим мактаблари амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 2016 йил 5 октябрдаги 01-02/1-3-310-сон маълумотномаси). Таклиф этилган методикани қўллаш натижасида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида олмошларни тўғри қўллаш кўникмаларини эгаллаш самарадорлиги ошган;

лингвистик корпус, блог-технология, веб-квест, лисоний мультимедиа дастурларининг олмошларни тўғри қўллаш билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришдаги дидактик хусусиятлари ва методик функциялари «Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари» лойиҳасига татбиқ қилинган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 2 февралдаги ФТК-0313/118-сон маълумотномаси). Илмий натижалар таълим жараёни субъектларининг ахборот-коммуникатив компетенцияларини оширган;

лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар асосида олмошларни тўғри қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган рецептив ва репродуктив машқлардан «Болажон» телерадиоканалининг «Bravo English» кўрсатуви сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 23 февралдаги 05-15/643-сон маълумотномаси). Лисоний мультимедиа дастурларидаги интерактив машқлар ўқувчи-томошабинларга олмошларнинг график ва акустик образларини ўзлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, 1 монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (10 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ўқитишнинг назарий-методик шарт-шароитлари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича илмий-методик адабиётлар таҳлил қилинган, инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

Илмий методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, олмошлар лингвистик ва методик нуқтаи назардан ўрганилган, хусусан олмошлар синонимиясининг фарқли жиҳатлари, стилистик ва анафорик қўлланилиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Олмошларни иллюстратив-тушунтириш, савол-жавоб, мустақил изланиш методлари асосида ўргатишга бағишланган бир қатор изланишлар олиб борилган. Аммо уларда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш муаммосига бағишланган махсус методик тадқиқотлар мавжуд эмаслиги тадқиқотнинг зарурати ва долзарблигини тасдиқлайди.

Диссертация доирасида инглиз тилидаги олмошларни ўқитишдаги қийинчиликларни аниқлаш мақсадида инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошлар қиёсий таҳлил қилинди ва улар турларига кўра қисман мос келиши маълум бўлди. Асосий тафовут шундаки, ўзбек тилида эгалик, нисбий ва ўзаролик олмош турлари мавжуд эмас.

Биринчи бобда инглиз ва ўзбек тиллари келишик тизими ҳам қиёсланди. Маълумки, инглиз тилида кишилик олмошлари иккита, яъни бош ва объект келишикларига эга. Ўзбек тилидаги келишик категорияси 6 та келишик, яъни *бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги ва чиқиш келишигидан* иборат. Инглиз тилидаги кишилик олмошларининг бош келишиги ўзбек тилидаги *бош келишикка*, инглиз тилидаги объект келишиги ўзбек тилидаги *тушум ва жўналиш келишигига* мос келади. Ўзбек тилидаги қолган келишиклар эса инглиз тилида предлоглар ёрдамида ифодаланади.

Ўзбек ўқувчилари инглиз тилидаги мажҳул нисбат шакли (Passive voice) билан танишганларида инглиз тилидаги олмошларнинг тўғри келишик шакллари танлашда қийинчиликларга дуч келадилар:

He was given a present. – *Унга* совға берилди.

She was offered a new job. – *Унга* янги иш таклиф қилинди.

Кўриниб турганидек, ўзбек тилининг *тушум* ва *жўналиш* келишикларига инглиз тили *объект* келишиги мос келади, бу эса бош келишик ўрнига объект келишиги қўлланилиши орқали намоён бўлувчи тиллараро интерференцияни юзага келишига сабаб бўлади, масалан:

I was invited to the party / ўрнига Me was invited to the party /.

Ўзбек тилидаги учинчи шахс кўплик олмоши *улар* учинчи шахс бирлик сонга нисбатан қўлланилганда, «хурмат» маъносини билдиради. Инглиз тилида эса учинчи шахс кўплик шакли *they* кўплик, ноаниқлик ва умумийликни англатади. Бироқ *they* олмошининг бирлик сонда «хурмат» маъносида қўлланилиши кузатилмайди. Мазкур ҳодиса инглиз тилида кишилик олмошининг учинчи шахс бирлик шакллари *he, she* ўрнига *they* учинчи шахс кўплик шаклининг ишлатилиши натижасида юзага келадиган маданиятлараро интерференцияни намоён этади. Масалан: *Ойинг қани?* – *Улар ҳозир келадилар.* *Where is your mother?* – *She is coming / ўрнига They are coming /.*

Маълумки, ўзбек тилида эгалик олмошлари мавжуд эмас, бироқ инглиз тилидаги эгалик олмошларига ўзбек тилида *қаратқич келишикдаги* кишилик

олмошлари мос келади. Ўзбек тилида отлардаги эгалик маъносининг кўшимчалар ёрдамида ифодаланиши инглизча нутқда эгалик олмошларини тушириб қолдиришга сабаб бўлувчи тиллараро интерференциянинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Буни *He opened his eyes* ўрнига *He opened eyes* кўринишидаги хатоларда кузатиш мумкин. Инглиз тилига эгалик олмошларини тана аъзолари номлари билан қўллаш хос, ўзбек тилида эса эгалик маъноси эгалик кўшимчалари орқали ифодаланади, шу боис қаратқич келишигидаги кишилик олмошини қўллаш ортиқча бўлиб қолади.

Кўрсатиш олмошлари инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам шахс ва предметнинг сўзловчига нисбатан макон ёки замон жиҳатидан узоқ-яқинлигига ишора қилади. Субстантив сўз бирикмаларида ўрин ёки шахсга нисбатан қўлланувчи ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошлари –лар кўплик кўшимчасини олиб, «кўплик» ёки «ҳурмат» маъносида ишлатилади.

Ўзбек тилида ўзлик олмоши ўз сўзига эгалик кўшимчаларининг кўшилиши билан ясалади, инглиз тилида эса кишилик ёки эгалик олмошларига *self* ёки *selves* сўзларининг кўшилишидан ҳосил бўлади.

Инглиз тилидаги *some, any, somebody, someone, something, anybody, anyone, anything, one* каби гумон олмошларга ўзбек тилидаги *баъзи бир, бир қанча, бир нима, бир неча, бир нарса, кимдир, нимадир, аллаким, алланима, биров* сингари олмошлар тўғри келади. Инглиз тилидаги гумон олмошларини ўрганишда *some, any* каби сўзларни тушириб қолдириш натижасида тиллараро интерференция ҳамда *someone, somebody* сўзларини қўллаш натижасида ички лисоний интерференция юзага келиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги бўлишсизлик олмоши шахс ёхуд предметнинг борлигини инкор этади. Инглиз тилида бўлишсизлик олмошлари *no* сўзига *one, body, thing: no one, nobody, nothing, none* каби сўзларнинг бирикиши орқали ясалади. Ўзбек тилида бундай олмошлар *ҳеч сўзининг ким, нима, қайси, қандай, қачон* сингари сўроқ олмошлари билан боғланиши натижасида ҳосил қилинади: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қайси, ҳеч қандай, ҳеч қачон, ҳеч нарса.*

Ўзбек тилида нисбий олмошлар мавжуд эмас. Инглиз тилидаги нисбий олмошлар ўзбек тилида аниқловчи эргаш гаплар ёрдамида ифодаланади.

Белгилаш олмошлари адъектив ва субстантив маъноларда ишлатилиши мумкин. Улар адъектив маънода қўлланганда кейинги отга кўшилиб, аниқловчи вазифасида намоён бўлади. Субстантив маънода қўлланганда эса инглиз тилидаги олмошлар ўзгармайди, ўзбек тилидаги олмошлар эса кўплик, эгалик ва келишик кўшимчаларини қабул қилади.

Тадқиқотда қиёсий таҳлил натижалари ва ўзлаштириш даражасининг қийинлигига кўра инглиз тилидаги олмошлар уч гуруҳга ажратиб олинди.

Биринчи гуруҳга ўзбек тилида муқобилига эга бўлмаган олмошлар, иккинчи гуруҳга ўзбек тилида муқобили бўлган, бироқ уларнинг қўлланилиши инглиз тилидаги муқобилидан анчагина фарқ қиладиган, учинчи гуруҳга эса ўзбек тилидаги олмошларга маъноси ва қўлланилишига кўра мос келадиган олмошлар киритилди. Мураккаблик даражасига кўра тақсимлаб чиқилган олмошлар гуруҳлари қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

Инглиз тилидаги олмошларнинг ўзлаштириш мураккаблиги даражасига кўра таснифланиши

I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
who, whose, whom, which, that, he, she, it, her, his, its, hers, herself, himself, itself	this, these, that, those, some, any, somebody, someone, another, other, each, every, what, which, who, no, none, nobody, no one, nothing, themselves, my, our, their, they, much, many, few, little.	I, you, we, myself, yourself, yourselves, mine, yours, theirs, ours, each other, one another, both, neither, either, a few, a little, same, such, all, everybody, everyone, everything, what, which, whose, whom.

Диссертациянинг «Инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатиш» деб номланган иккинчи бобда инглиз тилидаги олмошларни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари ҳамда ахборот технологияларининг дидактик хусусиятлари ва методик вазифалари аниқланган.

Инглиз тили дарсларида турли хил ахборот технология воситаларини қўллаш мумкин, бироқ тил материалларини ўргатишда ҳар қандай ахборот технология воситаларидан фойдаланиб бўлмайди. Мазкур тадқиқотнинг вазифаларидан бири мактабда қайси ахборот технология воситаларини инглиз тилидаги олмошларни ўргатишда қўллаш мумкинлигини аниқлаш ҳамда айтиш технологияларнинг афзалликларини очиқ беришдир.

Articulate Storyline дастурий муҳити асосида ишлаб чиқиладиган лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, блог-технология ва веб-квестларнинг таҳлили уларни олмошларни ўргатишда асосий воситалар сифатида танлаб олиш имкониятини берди.

Ахборот технологияларининг инглиз тилидаги олмошларни ўқув жараёнига татбиқ этиш имконини берувчи муайян дидактик хусусияти ва методик вазифалари бор (2-, 3-, 4-, 5- жадваллар).

Инглиз тилидаги олмошларни ўргатишда лисоний мультимедиа дастурларининг дидактик хусусиятлари ва методик функциялари

Дидактик хусусиятлар	Методик функциялар
1	2
Мультимедиавийлик	олмошлар билан танишилганда турли форматдаги материаллардан фойдаланиш (аудио, видео, матн, графика, анимация ва расмлар)
Интерактивлик	грамматик материални ўзлаштириш учун интерфаол машқлар тузиш; бажарилган вазифаларнинг тўғрилигини тез аниқлаш имконияти
Тизимлилик	олмошларни «соддадан мураккабга» тамойили асосида шакли ва семантикасида қўлланишигача бўлган грамматик материални лисоний мультимедиа дастурларида тизимли тақдим этиш

1	2
Ўзини ўзи назорат қилиш	топшириқлар бажариб бўлингандан кейин тўғри жавобларни тақдим этиш асосида хатоларни таҳлил қилиш

3-жадвал

Инглиз тилидаги олмошларни ўргатишда лингвистик корпуснинг дидактик хусусиятлари ва методик функциялари

Дидактик хусусиятлар	Методик функциялар
Контекстуаллик	олмошларнинг асл маъноларини очиб бериш ва уларнинг турли лисоний вазиятларда намоён бўладиган хусусиятларини кўрсатиб бериш имконини беради
Асосий сўз ёрдамида бирор қисм (фрагмент)ни ажратиш имконияти	инглиз тили олмошларини ўргатишга мўлжалланган турли машқлар ишлаб чиқиш, мисоллар асосида грамматик қондани шакллантириш имконини беради

4 - жадвал

Инглиз тилидаги олмошларни ўргатишда веб-квестнинг дидактик хусусиятлари ва методик функциялари

Дидактик хусусиятлар	Методик функциялар
Тизимлилик	грамматик материални (олмошларни) «соддадан мураккабга» тамойили асосида тақдим этиш; грамматик материални турли ёндашувлар асосида тақдим этиш имкониятини беради
Гиперҳаволаларнинг мавжудлиги	ахборотни таҳлил қилиш ва умумлаштириш кўникмаларини ривожлантиради (ўқувчиларда таклиф этилган ҳаволалар асосида керакли маълумотни юклаб олиш кўникмаси шаклланади)
Ўзини ўзи баҳолаш	ўқувчиларни баҳсларда фаол қатнашишга ундаш ва ўқувчининг ўзига умумий муаммони ҳал этишда қўшган ҳиссаси даражасини баҳолаш имконини беради

5-жадвал

Инглиз тилидаги олмошларни ўргатишда блог-технологияларнинг дидактик хусусиятлари ва методик функциялари

Дидактик хусусиятлар	Методик функциялар
1	2
Мультимедиавийлик	грамматик материални аудио-видеоматериал, схема, матн, графика, расм ҳамда анимациялар асосида намоёниш этишга имкон беради
Интерактивлик	берилган топшириқларга жавоблар ва ечимларни жойлаштириш йўли билан грамматик компетенцияларни шакллантиради

1	2
Оммабоплик	жойлаштирилган материаллар учун маъсулиятлилиқ, синфда ва синфдан ташқари вақтда ишлаш имкониятининг мавжудлиги
Муаллифлик	инглиз тилидаги олмошларни қўллашга доир грамматик компетенцияни шакллантиришга ёрдам берадиган топшириқ ва машқларни ўқитувчи блогига жойлаштириш имкониятининг мавжудлиги

Лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блогларнинг дидактик хусусиятлари ва методик функциялари инглиз тилидаги олмошларни нутқда қўллай олишга ёрдам берадиган грамматик кўникмаларни шакллантиришга имкон берди (6-жадвал).

6-жадвал

Ахборот технологиялари асосида шаклланадиган рецептив ва продуктив грамматик кўникмалар

Грамматик кўникмалар	Лисоний мультимедиа дастурлари	Лингвистик корпус	Веб-квест	Блог
Ўқувчилар нутқидаги рецептив грамматик кўникмалар				
Олмошларни оғзаки ва ёзма нутқда англай олиш	+	+	+	+
олмошларни фарқлай олиш	+	+	-	-
олмошларнинг товушли таркибини график кўриниши билан мутаносиблаштириш	+	-	-	-
олмошларнинг антецедентини аниқлаш	+	+	-	-
сўз бирикмаларини аниқлаш	-	+	-	-
мисоллар асосида грамматик коидалар тузиш	+	+	+	+
Ўқувчилар нутқидаги продуктив грамматик кўникмалар				
олмош шакллари тўғри танлаш ва қўллаш	+	+	+	+
отларни ўзига мос олмошлар билан алмаштириш	+	-	-	-
олмошли грамматик бирикмаларни тўғри тузиш	+	+	+	+
олмошлар маъносини тўғри талқин этиш ва она тилига мувофиқ таржима қилиш	+	+	+	+

Диссертациянинг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тилидаги олмошларни ўргатиш методикаси» деб номланган учинчи бобида ахборот технологиялари орқали олмошларни ўргатиш методикаси ишлаб чиқилди, лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологиялар асосида машқлар тузилди, ўқитиш жараёнини методик

ташқил этиш масалалари кўриб чиқилди ҳамда тажриба-синов натижалари келтирилди.

Тадқиқот доирасида инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологиялари асосида ўқитиш методикаси таклиф этилди. У таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, ёндашувлари, методлари ҳамда шакл ва воситалари мажмуидан иборат бўлди.

Таълимнинг мақсади сифатида инглиз тилидаги олмошларнинг тўғри қўлланишини талаб этадиган коммуникатив ва грамматик компетенцияни шакллантириш танланди.

Таълимнинг вазифаларига: 1) олмошларни имловий тўғри ҳосил қила олиш; 2) олмошларнинг товушли ва график образини ўзлаштириш; 3) олмошнинг товуш таркибини график кўриниши билан мутаносиблаштириш; 4) инглиз тилидаги олмошларни оғзаки ва ёзма нутқда ажрата олиш кўникмаларини ривожлантириш; 5) ўқувчиларнинг инглизча нутқда олмошларни тўғри қўллаш кўникмаларини ривожлантириш кирди.

Таълимнинг мазмуни лингвистик, психологик ва методологик компонентларини ўз ичига олди.

Олмошларни ўргатиш методикаси компетенциявий, шахсга йўналтирилган ва коммуникатив фаолиятли ёндашувларга асосланди. Мазкур ёндашувлар тушунарлилик, индивидуал ёндашиш, тизимлилик ва кетма-кетлилик, пухта ўзлаштириш, мультимедиавий кўргазмалилик, интерфаоллик, контекстуал ўқитиш, комуникатив йўналганлик, тил тажрибасини ҳисобга олиш ҳамда муаммоли ўқитиш сингари умумдидактик ва методик тамойиллар ёрдамида амалга оширилди.

Инглиз тилидаги олмошларни ўргатиш индивидуал, жуфт ва гуруҳларда таълим бериш шаклларида лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологиялар ёрдамида индуктив, муаммоли изланиш, репродуктив-креатив, тадқиқотчилик, назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методлари асосида ташкиллаштирилди.

Таълимнинг натижаси инглиз тилидаги олмошларни қўллашда грамматик компетенциянинг шаклланганлигида намоён бўлди.

Ишлаб чиқилган методикага асосланиб, олмошларни тақдим этиш усуллари, олмошларни ўргатишга мўлжалланган топшириқларни кетма-кет бажариш алгоритмлари ва машқлари ишлаб чиқилди.

Олмошлар қуйидаги усуллар билан тақдим этилди: а) нутқ намунаси таркибида; б) кўргазма асосида; в) контекст асосида; г) муаммоли савол; д) схема асосида; е) таржимага таянган ҳолда. Янги грамматик материал тақдимотининг муайян усулини танлаш ўқитиш босқичи ва ўқувчиларнинг нутқий тайёргарлигига асосланди.

Грамматик материални мустаҳкамлашнинг кейинги босқичи лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологиялар асосида ишлаб чиқилган рецептив машқлар, яъни *олмошларнинг акустик образини англаш* (айтилган сўзни тингланг ва шунга айнан ўхшашини танланг; айтилган сўзни тингланг ва унга мос образини танланг; берилган сўзнинг товушли қиёфасини топинг; гапни тингланг ва танланг), *олмошларни фарқлаш* (сўз

бирикмаларини тингланг ва уларни мос устунларга жойлаштиринг; тингланг, ўқинг ва мос расмни топинг; тингланг, расмга қаранг ва унга мос гапни танланг; тингланг ва нарсаларни тўғри тақсимланг; ажратилган олмошлар қайси сўзлар билан бирика олишини аниқланг; тушириб қолдирилган олмошни аниқланг; мисоллар асосида *that, which* олмошларининг маъноларини аниқланг) ҳамда репродуктив машқлари, яъни сўз ва гаплар тузиши (берилган ҳарфлардан сўзлар тузинг; берилган сўзлардан гаплар тузинг; гапларни бирлаштиринг; намунага қараб гапни қайта тузинг), *бўш жойларни олмошлар билан тўлдиринг* (бўш жойларни берилган сўзлар билан тўлдиринг; мос сўзни қўйинг; тингланг ва тушириб қолдирилган сўзни ёзинг), *отларни олмошлар билан алмаштиринг* (отларни олмошлар билан алмаштиринг), *материални қайта тақдим этиши* (мазкур таомни тайёрлашда қандай маҳсулотлар зарурлигини айтиб беринг ва маҳсулотларни керакли устунларга жойлаштиринг; суҳандон саволларини тингланг ва уларга жавоб беринг; расмни тасвирлаб беринг) ёрдамида амалга оширилди.

Лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологияларга асосланган методиканинг амалиётга татбиғи қадам-бақадам ҳаракатлар алгоритми асосида таълим жараёнини ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Инглиз тилидаги олмошларни ўргатиш бўйича таклиф этилаётган методиканинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2009/2010, 2010/2011, 2011/2012, 2012/2013, 2013/2014, 2014/2015, 2015/2016 ўқув йиллари мобайнида Ўзбекистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларда тажриба-синов ишлари олиб борилди (Тошкент шаҳрининг 20-, 97-, 247-сонли, Тошкент вилоятининг 26-сонли, Фарғона вилоятининг 5-, 7-, 26-, 67-сонли ва Самарқанд вилоятининг 36-, 69-сонли мактаблари).

Тажриба-синов ишлари таъкидловчи, шакллантирувчи ва яқунловчи босқичлардан иборат бўлди.

Таъкидловчи босқичда (2009/2010, 2010/2011, 2011/2012 ўқув йилларида) тадқиқот мавзуси бўйича илмий адабиётлар ўрганилди ва инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологиялари ёрдамида ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш йўллари белгилаб олинди. Чет тили бўйича Давлат таълим стандарти, инглиз тили ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуаларини ўрганилаётган мавзу доирасида таҳлил қилиш, инглиз тили ўқитувчилари орасида сўровнома ўтказиш, ўқувчиларнинг инглизча нутқда олмошларни қўллаш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш орқали олмошларни ўргатишнинг ҳозирги ҳолати аниқланди.

Шакллантирувчи босқичда (2013/2014, 2014/2015, 2015/2016 ўқув йилларида) Ўзбекистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 1-, 2-, 3-, 5-, 9-синфларида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Бу давр ичида тадқиқотда таклиф этилган инглиз тилидаги олмошларни ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси синовдан ўтказилди.


Тажрибага жалб қилинган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумий сони 628 нафарни, шулардан 314 нафари назорат гуруҳларини, 314

нафари тажриба гуруҳларини ташкил этди. Ҳар бир мактабда назорат гуруҳи учун биттадан 1-, 2-, 3-, 5-, 9-синфлар ҳамда тажриба гуруҳлари учун ҳам биттадан 1-, 2-, 3-, 5-, 9-синфлар ажратилди. Тажриба ўтказувчи ўқитувчилар ишлаб чиқилган методика бўйича машғулотлар олиб бориш бўйича кўрсатмалар олдилар.

Бошланғич синфлардаги назорат гуруҳларида «Kid’s English» дарслиги ва унга қўшимча мультимедиа иловаси бўйича машғулотлар олиб борилди, тажриба гуруҳларида эса «Kid’s English» дарслиги ва махсус ишлаб чиқилган лисоний мультимедиа дастур асосида ўтказилди. 5-, 9-синф назорат гуруҳларида тажриба-синов ишлари «Fly High» дарслиги, тажриба гуруҳларда эса «Fly High» дарслиги ва ишлаб чиқилган лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ҳамда блог-технологиялар асосида ташкил этилди.

Яқунловчи босқич. Тажриба-синов якуни бўйича 1-, 2-, 3-, 5-, 9- синф ўқувчилари ўртасида якуний текшириш олиб борилди (1 – расм). Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг олмошларни ўзлаштиришдаги тафовутларининг статистик аҳамиятлилигини баҳолаш мақсадида Стьюдентнинг тақсимлаш ҳамда Пирсоннинг икки танлаб олиш мезонлари татбиқ этилди.

Жадвал асосида ўртача ўзлаштириш коэффиценти, ўртача танлаб текшириладиган дисперсия, ўртача қийматлар белгиланишнинг аниқлик кўрсаткичлари, Стьюдент мезони эркинлигининг даражаси ҳамда назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида математик кутиш учун ишончлилик масофаси ҳисоблаб чиқилди.



Расм 1. Якуний кесим натижалари

7-жадвал

Ўртача қийматлар кўрсаткичи

\bar{X}	\bar{Y}	S_x	S_y	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X^2_{n,m}$	Δ_x	Δ_y
2,66	2,22	0,6359	0,8316	1%	2%	7,517	247,2	49,45	0,07	0,09

Юқорида келтирилган тажриба-синов натижаларидан экспериментнинг сифат кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Билимлар назоратини баҳолаш мезони – $K_{\text{бнб}}$ ($K_{\text{окз}}$) ва билимлар даражасини баҳолаш мезонини – $K_{\text{бдб}}$ ($K_{\text{осз}}$) қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$K_{\text{окз}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,66 - 0,07}{2,22 + 0,09} = \frac{2,59}{2,31} = 1,12 > 1;$$

$$K_{\text{осз}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,66 - 0,07) - (2,22 - 0,09) = 2,59 - 2,12 = 0,47 > 0;$$

Кўриниб турибдики, билимлар назоратини баҳолаш мезони бирдан кўп ва билимлар даражасини баҳолаш мезони нолдан кўп.

Демак, тажриба гуруҳларидаги сифат кўрсаткичи назорат гуруҳларидагига қараганда юқорироқ.

ХУЛОСА

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига ахборот технологиялари асосида инглиз тилидаги олмошларни ўргатиш методикаси мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошларнинг қиёсий таҳлили тиллараро ва маданиятлараро интерференцияни аниқлаш имконини берди.

2. Лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологияларнинг олмошларни қўллаш билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришдаги дидактик хусусиятлари ва методик функциялари аниқланди.

3. Инглиз тилидаги олмошларни лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологиялар асосида шаклландиган рецептив ва продуктив грамматик кўникмалари аниқланди.

4. Лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блог-технологиялар асосида олмошларни ўргатиш методикаси ишлаб чиқилди. Унинг негизида компетенциявий, шахсга йўналтирилган ва коммуникатив фаолиятли ёндашувлар туради ва улар амалиётда умумдидактик ва методик тамойиллар асосида амалга оширилади.

5. Инглиз тилидаги олмошларни қўллаш бўйича грамматик кўникмаларни шакллантиришга қаратилган *Personal pronouns*, *Possessive pronouns 1*, *Possessive pronouns 2*, *Possessive pronouns 3*, *Demonstrative pronouns*, *Indefinite pronouns*, *Object pronouns*, *Relative pronouns* дастурлари ишлаб чиқилди.

6. Веб-квест ва блог технологиялар ёрдамида инглиз тилидаги олмошларни ўргатиш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Инглиз тили олмошларини ўргатиш алгоритмлари уч босқични, яъни таништирув, процессуал ва хулоса босқичларини ўз ичига олди.

7. Ўқувчиларнинг инглизча нутқда олмошларни грамматик тўғри қўллаш олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган веб-квест ва блоглар интернет тармоғида яратилди ҳамда уларнинг виртуал манзиллари тақдим этилди.

8. Лисоний мультимедиа дастурлари, лингвистик корпус, веб-квест ва блоглар асосида ўқувчиларнинг инглиз тилидаги олмошларни грамматик жиҳатдан тўғри қўллаш олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган рецептив ва репродуктив машқлар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.27.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

САБИРОВА ГУЛНОЗА САДИКОВНА

**МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ МЕСТОИМЕНИЯМ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА
УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ НА ОСНОВЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания
(английский язык)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под B2017.1.PhD/Ped5.

Докторская диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzswlu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Ахмедова Лайлохон Толибжоновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хашимова Дилдархон Уринбаевна
доктор педагогических наук, профессор

Ирмухамедова Гулчехра Насыровна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный институт
иностранных языков

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в ___ часов на заседании Научного совета _____ при Узбекском государственном университете мировых языков. (Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халқа йўли, дом 21 А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халқа йўли, дом 21 А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2017 года)

Г.Х. Бакиева
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.филол.н., профессор

Х.Д. Палуанова
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.филол.н.

Д.Р. Джуманова
и.о. председателя научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.филол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интеграция в мировое сообщество, условия ускоренного развития и глобализация информационно-коммуникативных технологий резко увеличили потребность в изучении иностранных языков. В связи с этим, внедрение в систему образования передовых методов обучения с использованием информационных технологий приобретает особо важное значение в подготовке специалистов, свободно владеющих иностранными языками и достаточно осведомлённых о последних достижениях науки и техники.

С первых дней независимости в результате проводимых реформ в нашей стране коренным образом была преобразована система образования. В частности, принят и внедрен в практику обучения государственный образовательный стандарт, направленный на непрерывность образования и организацию учебного процесса на основе международных стандартов образования с учётом национальных особенностей и духовных ценностей. В результате проведения этих реформ в преподавании языков осуществляется широкое применение передовых педагогических и информационно-коммуникативных технологий в процессе обучения. Определение основной цели обучения иностранным языкам в качестве формирования иноязычной коммуникативной компетенции и потребность в преобразовании учащихся от пассивных слушателей в активных субъектов учебной деятельности могут быть реализованы путём внедрения информационно-коммуникативных технологий в учебный процесс на современном этапе преподавания языков, что способствует формированию у учащихся лингвистической, социолингвистической и прагматической компетенций.

Наряду с проводимыми в мире исследованиями по обучению самостоятельным частям речи английского языка посредством дедуктивного, индуктивного, переводного, коммуникативного методов обучения, особое внимание уделяется совершенствованию и созданию новых приёмов обучения местоимениям английского языка с использованием современных информационных технологий. Несмотря на небольшое количество местоимений, частотность их употребления в английском языке очень высока. Но в связи с их отличием в семантике и стилистическом употреблении от местоимений узбекского языка, они представляют определенную трудность в усвоении для учащихся. В силу этого, формирование коммуникативной компетенции у учащихся в правильном употреблении местоимений в их английской речи недостаточно прочное, и использование средств информационных технологий (языковых мультимедийных программ, Интернет – ресурсов, электронных учебников, лингвистического корпуса, веб-квестов, блог-технологий, подкастов, вики-технологий) позволит устранить этот недостаток, что в свою очередь, способствует повышению эффективности урока, в частности, и созданию новых методов обучения местоимениям в целом.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит решению задач по обеспечению качества образования, определенных в

постановлениях и приказах Президента Республики Узбекистан №ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, № ПП-1730 «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникативных технологий» от 21 марта 2012 года, Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124 «Об утверждении Государственного образовательного стандарта системы непрерывного образования» от 8 мая 2013 года, в указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в ряде других нормативно-правовых актах, касающихся этого вопроса.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей стране методика обучения языкам была освещена в работах Ж.Ж. Жалолова, Т.К. Сатторова, Л.Т.Ахмедовой, Г.Т. Махкамовой и других отечественных исследователей⁴.

Функционально-семантические особенности местоимений, вопросы их классификации и стилистического употребления в речи раскрыты в исследованиях D. Bolton, N. Goodey, Б. Сияева, Д.Н. Сулеймановой, А.Т.Ирискулова, Д.Т. Кубейсиновой и др.⁵

Обучение иностранному языку с использованием современных информационных технологий нашли своё отражение в научных исследованиях G. Dudeney, N. Hockly, О.Г. Гориной, А.В. Поповой, С.И. Карандиной, М.У.Ашурова, О.В. Абдувалиевой и др.⁶

Хотя ряд учёных проводил научные исследования по проблемам обучения местоимениям и применения информационных технологий в обучении иностранным языкам, вопрос методики обучения местоимениям английского

⁴ Jalolov J.J., Makhlamova G.T., Sh.S.Ashurov. English Language Teaching methodology. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с.

⁵ David Bolton & Noel Goodey. Troubles with adjectives, adverbs and pronouns? – England: Delta Publishing, 2000. – 66 p.; Сияев Б. Формирование местоимений в таджикском языке: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе, 2003. – 58 с.; Сулейманова Д.Н. Семантика и функционирование неопределённых местоимений с компонентами some, any, no в английском языке: Дис. ... канд.филол.наук. – Уфа, 2014. – 192 с.; Кубейсинова Д.Т. Синтактико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка: Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2008. – 19 с.

⁶ Gavin Dudeney & Nicky Hockly. How to teach English with technology. – England: Pearson Education Limited, 2007. – 194 p.; Горина О.Г. Использование технологий корпусной лингвистики для развития лексических навыков студентов-регионоведов в профессионально-ориентированном общении на английском языке: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – М., 2014. – 29 с.; Ашуров М.У. Повышение эффективности классных и внеклассных занятий по математике с использованием компьютеров: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Ташкент, 2002. – 16 с.; Абдувалиева О.В. Методика обучения модальным глаголам английского языка на базе компьютерных технологий: Дис. ... канд.пед.наук. – Ташкент, 2008. – 162 с.

языка учащихся общеобразовательных школ на базе информационных технологий специально не исследовался.

